

**ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ВА ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ  
ҚОНУНЧИЛИГИДА БИР-БИРИГА ТОБЕ БЎЛМАГАН ҲАРБИЙ  
ХИЗМАТЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРГА ОИД УСТАВ  
ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТЛАРИ ЮЗАСИДАН СУДГА ҚАДАР  
ИШ ЮРИТУВИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ НОРМАЛАР ТАҲЛИЛИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10717973>

**Алаутдинов Дилмурод Алаутдин ўғли**

*Ички Ишлар вазирлиги Академияси бошлиги ўринбосари, доцент*

**Аннотация**

*Ушбу мақола орқали сиз, хорижий мамлакатлар жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигида бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жинояти юзасидан судга қадар иш юритувини тартибга солувчи нормалар таҳлили ва ҳусусиятлари ҳақида билиб олишингиз мумкин. Хорижий мамлакатлар жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигида бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жинояти юзасидан судга қадар иш юритувини тартибга солувчи нормалар таҳлили жиноят қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган.*

**Калит сўзлар**

*бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчи, устав қоидалари, объектив томон, мунтазам хўрлаш, ҳарбий кузатув, қўмондонлик кузатув.*

**АНАЛИЗ УГОЛОВНОГО И УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНОГО  
ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН, РЕГУЛИРУЮЩЕГО  
ДОСУДЕБНОЕ ПРОИЗВОДСТВО ПО ПРЕСТУПЛЕНИЯМ НАРУШЕНИЯ  
ЗАКОННЫХ ПРАВИЛ ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ НЕ ПОДЧИНЕННЫМИ  
ВОЕННОСЛУЖАЩИМИ**

**Аннотация**

*Благодаря данной статье вы сможете узнать об анализе и особенностях норм, которые регулируют ведение производства в суде по делам о преступлении, связанном с нарушением положений устава, касающихся взаимодействия военнослужащих, не подчиненных друг другу в военном деле. уголовное и уголовно-процессуальное законодательство зарубежных стран. Анализ норм, регулирующих ведение судопроизводства в суде по делам о нарушении положений устава о*

*взаимоотношениях между военнослужащими, не подчиненными друг другу в уголовном и уголовно-процессуальном законодательстве зарубежных стран, направлен на совершенствование уголовного законодательства.*

### **Ключевые слова**

*неподчиненный военнослужащий, нормативные положения, объективная сторона, рутинное издевательство, военное наблюдение, командное наблюдение.*

## **ANALYSIS OF CRIMINAL AND CRIMINAL-PROCEDURAL LEGISLATION OF FOREIGN COUNTRIES REGULATING PROCEEDINGS UP TO TRIAL FOR CRIMES OF VIOLATION OF STATUTE RULES OF RELATIONSHIPS BETWEEN NON SUBORDINATE MILITARY SERVANTS**

### **Annotation**

*Through this article, you can learn about the analysis and specifics of the norms that regulate the conduct of proceedings before the court in connection with the crime of violation of the charter provisions regarding the interaction between military personnel who are not subordinate to each other in the criminal and criminal-procedural legislation of foreign countries. The analysis of the norms regulating the conduct of proceedings before the court regarding the crime of violation of the charter provisions regarding the mutual relations between military personnel who are not subordinate to each other in the criminal and criminal-procedural legislation of foreign countries is aimed at improving the criminal legislation.*

### **Key words**

*non-subordinate serviceman, statutory provisions, objective party, routine humiliation, military surveillance, command surveillance.*

### **КИРИШ**

Мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, энг аввало, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, миллий кадриятларимизга асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган. Шу нуқтаи назардан давлатимизда олиб борилаётган ислохотлар давлат ва жамият ҳаётида янги ҳуқуқий негизни шакллантириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонунчиликка изчил риоя қилиш заруратини юзага келтирди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотлар қаторида жинойт қонунчилиги ҳам ислоҳ қилинди. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари орасида биринчи бўлиб, Ўзбекистон

Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 22 сентябрдаги 16-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодеклари<sup>41</sup> қабул қилиниб, у 1995 йил 1 апрелдан қонуний кучга кирди<sup>42</sup>.

Юқорида кўриб чиқиладиган бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятлари юзасидан судга қадар иш юритувини тартибга солувчи нормалар хорижий мамлакатлар жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам ўзига хос хусусиятга эгадир.

Марказий Осиё республикаларининг жиноят ва жиноят процессуал қонунчилик нормалари таҳлил қилинганда ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари, тергов олиб боровчи органлар, эҳтиёт чораларини қўллаш ҳамда бошқа процессуал чоралар мамлакатимиз қонунчилиги билан деярли фарқ қилмайди.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Қозоғистон Республикасининг илғор жиноят-процессуал амалиёти кўп йиллардан буён ўз самарасини бериб келмоқда. Ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича иш юритувини алоҳида тартиби Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси<sup>43</sup>да белгилаб қўйилганлиги бошқа давлатларникидан тубдан фарқ қилади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКда белгиланган алоҳида тартибда иш юритишдан фарқли равишда Қозоғистон Республикаси ЖПК<sup>44</sup>да ҳарбий жиноят ишлари бўйича, аёллар жиноятлари бўйича, рецидивист жиноятчилар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича ва апелляция тартибида кўриладиган ишлар бўйича иш юритиш алоҳида тартибда олиб борилади. Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 323-моддаси<sup>45</sup> бўйича ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича иш юритиш ҳарбий прокурорлар ва ҳарбий полиция органлари томонидан олиб борилади. Ундан ташқари Қозоғистонда жиноят содир этган ҳарбий хизматчиларга

<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1995. – № 1. – 1-м.

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси. Тошкент. Адолат 2016. <https://lex.uz/acts/111453>

<sup>43</sup> Қозоғистон Республикасининг 1997 йил 13 декабрдаги 206-сонли қарори асосида тасдиқланган Қозоғистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Электрон нашр. Мурожат этилган сана: 20.09.2023. Кириш йўли: <https://adilet.zan.kz/kaz/docs/Z970000206>

<sup>44</sup> Қозоғистон Республикасининг 1997 йил 13 декабрдаги 206-сонли қарори асосида тасдиқланган Қозоғистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Электрон нашр. Мурожат этилган сана: 20.09.2023. Кириш йўли: <https://adilet.zan.kz/kaz/docs/Z970000206>

<sup>45</sup> Қозоғистон Республикасининг 1997 йил 13 декабрдаги 206-сонли қарори асосида тасдиқланган Қозоғистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Электрон нашр. Мурожат этилган сана: 20.09.2023. Кириш йўли: <https://adilet.zan.kz/kaz/docs/Z970000206>

нисбатан қўлланиладиган эҳтиёт чораларидан қўмондонлик кузатуви эҳтиёт чораси мавжуд бўлиб, унда ҳарбий хизматчилар алоҳида тартибда кузатув асосида хизмат олиб боришади. Агарда қўмондонлик кузатуви эҳтиёт чораси қўлланилган ҳарбий хизматчининг хизмат ўташ муддати тугаган тақдирда терговни олиб борувчи прокурор томонидан ҳарбий хизматчи эҳтиёт чораси талабларини бузмаган тақдирда ҳам ундан оғирроқ бўлган қамоқ эҳтиёт чорасига ўзгартирилади. Бу амалиёт яъни ҳарбий хизматчиларга оғирроқ эҳтиёт чораларини қўллаш ушбу қатлам томонидан жинойт содир этиш кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатган.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида Ўзбекистон ҳарбий жинойт қонунчилиги кўпроқ Қозоғистон Республикасининг ҳарбий-жинойт қонунчилигига яқиндир. Қозоғистон Республикаси Жинойт кодексининг 440-моддасининг<sup>46</sup> структуравий тузилиши Ўзбекистон Республикаси Жинойт кодексининг 285-моддаси билан ўхшашдир. Аммо, Қозоғистон Республикаси Олий судининг 2005-йил 28-октябрдаги “Ҳарбий жинойтлар бўйича суд амалиёти тўғрисидаги” 6-сонли меъёрий қарори<sup>47</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жинойтларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2000 йил 15 сентябрдаги 23-сонли қароридан<sup>48</sup> анча фарқ қилади. Чунки, бошқа мамлакатларнинг жинойт қонунчилигида такрорланмайдиган жихатлар, яъни ҳарбий хизматчиларнинг такрорий жинойтлари, ҳарбий хизмат вақти ҳамда бошқа нормалар орқали квалификация қилишнинг аҳамияти белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жинойтларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2000 йил 15 сентябрдаги 23-сонли қароридан<sup>49</sup> эса ҳарбий хизматчи қачондан бошлаб ушбу жинойтнинг субъекти бўла олиши, қачондан бошлаб ҳарбий хизмати тугаши, ушбу жинойт такрорий содир этилган тақдирда квалификация жараёнида қандай ҳолатлар инobatга олиниши керак, оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар қайсилар ва яна кўплаб атама ва тушунчаларга таъриф берилмаганлиги учун ушбу

<sup>46</sup> St. Қазақстан Республикасының 2014 жылғы 3 шілдедегі No 226-V Қылмыстық кодексі. [https://kodeksy-kz.com/ugolovnyj\\_kodeks/1.htm](https://kodeksy-kz.com/ugolovnyj_kodeks/1.htm)

<sup>47</sup> "Әскери қылмыстар бойынша сот практикасы туралы" Қазақстан Республикасы Жоғарғы Сотының 2005 жылғы 28 қазандағы № 6 нормативтік қаулысы

<sup>48</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жинойтларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2000 йил 15 сентябрдаги 23-сонли қарори

<sup>49</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жинойтларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 2000 йил 15 сентябрдаги 23-сонли қарори

ҳолатларда тушунмовчилик ҳамда ҳуқуқий бўшлиқ кузатилмоқда. Ушбу бўшлиқларни бартараф этиш олдимизда турган асосий вазифадир.

Туркменистон<sup>50</sup> ва Тожикистон Республикаларининг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги<sup>51</sup>га кўра жиноят содир этган ҳар қандай ҳарбий хизматчи ҳарбий хизматдан бўшатилади. Тожикистон ҳарбий қонунчилигида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Агарда ҳарбий хизматчи жиноят содир этиши натижасида ҳарбий хизматдан бўшатиlsa, унга сарф қилинган барча харажатлар ҳарбий хизматчи томонидан қопланади. Ушбу давлатда бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятлари жуда кўп содир этилсада процессуал жиҳатдан алоҳида тартибда кўриб чиқилмайди. Ўрганилаётган жиноят бўйича терговни прокуратура терговчилари олиб боради ҳамда қонунчиликда ҳарбий хизматчиларга нисбатан эҳтиёт чораларидан қўмондонлик кузатуви мавжуд бўлсада жуда кам қўлланилади. Бунга сабаб сифатида эса жиноят содир этган ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизматдан бўшатиш тартиби мавжудлиги билан белгиланади.

Тадқиқот доирасида ўрганилаётган жиноят юзасидан хорижий тажрибалар ичида Россия Федерациясининг жиноят ва жиноят-процессуал<sup>52</sup> қонунчилиги алоҳида аҳамият касб этади. Россия жиноят кодекси<sup>53</sup>да белгиланган ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланиладиган жазо чоралари, жазо муддатлари, маъқбул танланган объектив томон ҳаракатлари ўзига хос хусусиятга эга. Ушбу жиноят нормасининг мукамал кўринишга келишини Чор Россияси, СССР ҳамда ҳозирги кунда ҳам Россияда ушбу жиноятнинг кўплаб содир этилаётганлиги ҳамда амалий кўп йиллик тажрибага асосланган ҳолда жиноят нормасини ишлаб чиқилганлиги билан таснифлаш мумкин.

Тергов округ ҳарбий прокурорлари томонидан олиб борилади ҳамда

<sup>50</sup> Türkmenistan Respublikasynyň Jenaýat Kodeksi «Türkmenistan» hem-de «Neýtralnyý Turkmenistan» gazetleriniň şu günki, ýagny 2022-nji ýulyň 22-nji aprelindäki sanynda «Türkmenistanyň Jenaýat kodeksine üýtgetmeler we goşmaçalar girizmek hem-de ony rejelenen görnüşde tassyklamak hakynda» Türkmenistanyň Kanuny, Türkmenistanyň Jenaýat kodeksi 16 sahupa möçberde goşundy görnüşinde neşir edildi. Kanun 2023-nji ýulyň 1-nji ýanwarynda güýje girýär.

<sup>51</sup> Кодекси чиноятти Чумхурии Тоҷикистон 21 майи соли 1998. Кириш йўли: <https://ihl-databases.icrc.org/ihl-nat/a24d1cf3344e99934125673e00508142ontent/кодекси-чиноятти-чумхурии-тоҷикистон>

<sup>52</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации 18 декабря 2001 года N 174-ФЗ. Электрон нашр. Мурожаат этилган сана: 20.09.2023. Кириш йўли: [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_34481/](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/)

<sup>53</sup> Уголовный кодекс Российской Федерации. юридическое издание. 13 июля 1996 г. [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_10699/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/)

эхтиёт чораси сифатида деярли барча ҳолатларда кўмондонлик кузатуви эҳтиёт чораси қўлланилади.

Россия жиноят-процессуал кодекси<sup>54</sup>нинг 30-моддасига кўра ҳарбий хизматчилар ёки ҳарбий таёргарликдан ўтаётган фуқаролар томонидан содир этилаётган жиноятлар юзасидан ишни умумий ёки алоҳида тартибда юритиш масаласини округ прокурорининг тақдимномаси асосида ҳарбий округ суди судясининг қарори билан ҳал қилинади.

Россия жиноят-процессуал кодекси<sup>55</sup>да алоҳида тартибда иш юритиш бўйича алоҳида нормалар мавжуд эмас ва алоҳида тартибда иш юритишнинг бошқа тартиби ҳам белгилаб ўтилмаган. Фақатгина айрим нормалар орқали ишни алоҳида тартибда кўришни суднинг ихтиёрига берган.

Рус олими А.Михалаев<sup>56</sup> Россияда ҳарбий жиноятлар содир этиш кўрсаткичи бошқа давлатларникидан фаркли равишда ортиқлигини таъкидлаб, ҳарбий хизматчилар ишлари бўйича иш юритишнинг алоҳида тартибини ишлаб чиқиш зарурлигини ўз илмий ишларида таҳлил қилган ва Россия жиноят-процессуал кодекси<sup>57</sup>га алоҳида тартибда иш юритиш бўйича алоҳида норма киритиш лозимлигини таъкидлаб ўтган.

Рус олими Э.Саченов ҳам А.Михалаев<sup>58</sup> фикрига кўшилган ҳолда фақатгина ҳарбий жиноят ишлари юзасидан эмас балки, қолган бошқа барча жиноят ишлари бўйича ишни алоҳида юритиш лозимлигини таъкидлайди. А.Саченов фикрича<sup>59</sup> ишни алоҳида тартибда кўриш юритувни қонуний, адолатли ва сифатли юритилишига замин яратади. Назаримизда ҳам ушбу фикрлар тўғри бўлиб, ишни алоҳида тартибда юритишнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш ва жиноят-процессуал кодексга киритиш лозим.

Озарбайжон<sup>60</sup>, Беларусия<sup>61</sup> ва бошқа бир қатор давлатларнинг жиноят-процессуал кодексларида ҳарбий хизматчилар томонидан содир этиладиган

<sup>54</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации 18 декабря 2001 года N 174-ФЗ. Электрон нашр. Мурожаат этилган сана: 20.09.2023. Кириш йўли: [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_34481/](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/)

<sup>55</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации 18 декабря 2001 года N 174-ФЗ. Электрон нашр. Мурожаат этилган сана: 20.09.2023. Кириш йўли: [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_34481/](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/)

<sup>56</sup> Э.Саченов, История военных преступлений. Илмий нашр. Мурожаат этилган сана: 20.09.2023. Кириш йўли: [https://www.mathnet.ru/php/archive.phtml?wshow=paper&jrnid=tv&paperid=7040&option\\_lang=rus](https://www.mathnet.ru/php/archive.phtml?wshow=paper&jrnid=tv&paperid=7040&option_lang=rus)

<sup>57</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации 18 декабря 2001 года N 174-ФЗ. Электрон нашр. Мурожаат этилган сана: 20.09.2023. Кириш йўли: [https://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_34481/](https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_34481/)

<sup>58</sup> Э.Саченов, История военных преступлений. Илмий нашр. Мурожаат этилган сана: 20.09.2023. Кириш йўли: [https://www.mathnet.ru/php/archive.phtml?wshow=paper&jrnid=tv&paperid=7040&option\\_lang=rus](https://www.mathnet.ru/php/archive.phtml?wshow=paper&jrnid=tv&paperid=7040&option_lang=rus)

<sup>59</sup> Э.Саченов, История военных преступлений. Илмий нашр. Мурожаат этилган сана: 20.09.2023. Кириш йўли: [https://www.mathnet.ru/php/archive.phtml?wshow=paper&jrnid=tv&paperid=7040&option\\_lang=rus](https://www.mathnet.ru/php/archive.phtml?wshow=paper&jrnid=tv&paperid=7040&option_lang=rus)

<sup>60</sup> Azərbaycan Respublikasının Cinayət Məcəlləsi. 30 dekabr 1999-cu il. Bakı. yeni cücerti nəşri. <https://www.e-qanun.az/version/7832>

жиноятлар юзасидан иш юритиш умумий тартибда олиб борилади, алоҳида тартиб бўйича аниқ мезонлар мавжуд эмас ва ушбу жиноятлар бўйича иш юритувни ҳарбий полиция органлари олиб боради ҳамда прокурорлар томонидан умумий назорат амалга оширилади. Ушбу давлатларда ҳарбий хизматчиларга қўлланиладиган эҳтиёт чоралари бошқа давлатлар қонунчиликларида ажралиб туради. Озарбайжон жиноят-процессуал кодекси<sup>62</sup>да ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланиладиган эҳтиёт чоралари нормаси мавжуд бўлиб, унда ҳарбий кафилик, ҳарбий кузатув, ҳарбий жамоа назорати ҳамда қўмондон кузатуви эҳтиёт чоралари қўлланилиши белгилаб қўйилган. Беларусия жиноят-процессуал қонунчилиги<sup>63</sup>да юқоридаги норма учрамасада ушбу амалиётдан кенг фойдаланиб келмоқда.

Германия, Швеция, Туркия давлатларида эса ушбу жиноятни тартибга солиш бошқа давлатлардан фарқли равишда жиноят ва жиноят-процессуал кодекслари орқали эмас балки “Ҳарбий жиноятлар тўғрисида”ги кодекс орқали тартибга солинади<sup>64</sup>. Ушбу кодекс ҳарбий хизматчилар томонидан содир этиладиган барча жиноятларни ҳамда ушбу жиноятларни процессуал тартибга солиш жараёнини ўз ичига олади. Бу эса ўз навбатида ушбу тоифа жиноятларининг алоҳида тартибда кўрилишини ҳамда ушбу турдаги жиноятларни кўришда алоҳида малака талаб қилинишини англатади. Ушбу давлатларнинг илғор тажрибаси сифатида нафақат юқорида келтирилган кодекс балки кўплаб давлатларда учрамайдиган ҳарбий адвокатлар тажрибалари ўзига хос хусусиятга эгадир. Ҳарбий адвокатлар бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жинояти бўйича иш юритувда қонунийлик, ҳамда жавобгарликнинг адолатли белгилашнинг асосий омили бўлиб хизмат қилади. Туркия ҳарбий жиноятлар тўғрисидаги кодексига кўра жиноят натижасида етказилган зарарларни қоплашнинг алоҳида тартиби белгиланган бўлиб, ушбу тажриба ҳам ўзига хос аҳамиятга эгадир. Туркия

<sup>61</sup> Уголовный Кодекс Республики Беларусь 9 июля 1999 г. № 275-3 Принят Палатой представителей 2 июня 1999 года Одобрен Советом Республики 24 июня 1999 года <https://etalonline.by/document/?regnum=hk9900275>

<sup>62</sup> Azərbaycan Respublikasının Cinayət Məcəlləsi. 30 dekabr 1999-cu il. Bakı. yeni cücerti nəşri. <https://www.e-qanun.az/version/7832>

<sup>63</sup> Уголовный Кодекс Республики Беларусь 9 июля 1999 г. № 275-3 Принят Палатой представителей 2 июня 1999 года Одобрен Советом Республики 24 июня 1999 года <https://etalonline.by/document/?regnum=hk9900275>

<sup>64</sup> Och i Tyskland, Sverige, Turkiet regleras regleringen av detta brott av koden "on war crimes", och inte genom kriminella och straffrättsliga koder, till skillnad från i andra länder. Denna kod innehåller processen för processuell reglering av alla brott som begåtts av militär personal i ham. Электрон мақола. Кириш йўли: <https://bra.se/forebygga-brott/forebyggande-utifran-amne/organiserad-brottslighet.html>

ҳарбий хизматчиларга жазо ҳамда эҳтиёт чораларини қўллашда қаттиққўллик принципига асосланади. Эҳтиёт чораси сифатида қўлланилган қўмондонлик кузатуви эҳтиёт чораси алоҳида кузатув ва назоратга олинади ҳамда ушбу ҳарбий хизматчига қурол бириктириш, нарядга жалб қилиш ва бошқа муҳим топшириқларни бажартириш каътий таъқиқланади.

Япония давлатида эса тарихий ривожланиш босқичидан фарқли равишда ушбу жиноят учун жавобгарлик чораларидан воз кечганлиги билан хусусиятланади. Иккинчи жаҳон урушидан икки йил ўтгач Японияда янги Конституция кучга кириб, мамлакатнинг армияга эга бўлиши конституциявий нормалар орқали тақиқланди. Шунингдек Япония халқаро зиддиятларни хал қилиш воситаси сифатида ҳарбий куч ишлатиш ҳуқуқидан маҳрум этилди. Аммо, 1991-1992 йилларда Японияни ўзини-ўзи химоя қилиш зарурати сезилиб, армияга ҳарбий хизматчилар чақирилди ҳамда 2007 йилда Мудофаа вазирлиги тузилди<sup>65</sup>. Япония жиноят кодексига кўра ҳарбий хизматчилар фақатгина армияга моддий зарар етказган тақдирдагина жавобгар бўладилар. Қолган барча ноқонуний ҳаракатлар умумий тарзда кўриб чиқилади. Ушбу ҳолатларда процессуал жараёнларни тартибга солиш кодекслар орқали эмас балки алоҳида қонунлар асосида тартибга солинади. Масалан “Япония ҳарбий хизматчиларига нисбатан жиноят иши юритиш” қонуни ҳарбий хизматчилар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг процессал жихатдан юритилиш жараёнини муофиллаштиради. Ҳарбий жиноятлар бўйича тергов полиция органлари терговчилари томонидан амалга оширилади. Юқоридаги қонун бўйича эҳтиёт чораси сифатида қамоқ жазоси самарали жазо ҳисобланади.

АҚШ жиноят-процессуал қонунчилиги<sup>66</sup>га кўра ҳарбий хизматчиларнинг хизмат вазифаларидан келиб чиқмаган жиноятлари (тан жароҳатлар етказиш, қўпол муомалада бўлиш, кадр-қимматини камситиш, тухмат, ҳақорат қилиш ва х.к) умумий тартибда кўриб чиқилади. Хизмат вазифасини бажариш натижасида юзага келадиган жиноятлар (ҳарбий мулкни нобуд қилиш, бошлиқ буйруғини бажармаслик, ҳарбий мулкни талон-тарож қилиш ва х.к) махсус тарзда алоҳида билимлар эга бўлган ҳарбий прокурорлар томонидан тергов олиб борилади. Ҳарбий хизматчиларнинг бир-бирига ғайриқонуний муносабатда бўлишлари кўшмаб учрасада, ушбу ҳаракатлар ҳарбий жиноят сифатида квалификация

<sup>65</sup> Япония ички ишлар вазирлиги. Электрон мақола. Кириш йўли: <https://darakchi.uz/uz/80552>

<sup>66</sup> Уголовно-процессуальный кодекс США. Кириш йўли: <https://cyberleninka.ru/article/n/istochniki-ugolovno-protsessualnogo-prava-ssha>

қилинмайди. АҚШда ҳарбий хизматчиларга нисбатан алоҳида эҳтиёт чоралари мавжуд эмас, лекин кўп ҳолларда гаров эҳтиёт чораси кўшлаб қўлланилади. АҚШнинг айрим штатларида (Флорида, Техас, Гуам, Виргиния, Қолорадо) ҳарбий хизматчилар жинойтларини квалификация ва процессуал жараёнларни тартибга солувчи алоҳида қонунлари мавжуд ҳисобланади. Ушбу давлатда ҳам ҳарбий адвокатлар инситути мавжуд бўлиб, ҳарбий хизматчиларни жинойт ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида химоя қилиш вазифасини бажаради.

Хитойда эса маъмурий ва жинойт ишлар бир-биридан ажратилмаган. Бошқа жинойтлар қатори ҳарбий жинойтларни ҳам вилоят префект судлари ва округ ҳарбий бошқарма бошлиқлари томонидан кўриб чиқилади. 1986-1999 йиллар оралиғида ҳарбий жинойтлар ошиши қаторида ушбу жинойтлар учун ўлим жазосини қўллаш салмоғи ҳам ошиб кетган. Хитой қонунчилигида “биргаликда жавобгарликка тортилиш” принсипига асосан ҳарбий хизматчиларнинг бир-бирига нисбатан қонунга зид ҳаракатлари учун нафақат иштирокчилар балки уларнинг бошлиқлари ҳам ўлим жазосига ҳукм қилинади. Шундай қаттиқ жазолар орқали Хитойда ҳарбий жинойтлар кўлами кескин камайган. Хитойда айрим тоифадаги жинойтлар (рецидив жинойтлар, тинчликка хавф солувчи жинойтлар, одамлар ўлимига сабаб бўлувчи жинойтлар, вояга етмаганлар жинойтлари) қаторида ҳарбий хизматчилар томонидан содир этиладиган жинойтлар ҳам олий округ судлари қошида ташкил қилинган полиция тергов гуруҳи терговчилари томонидан иш юритуви амалга оширилади. Ҳарбий адвокатлар ҳарбий хизматчининг ҳисобидан ишга жалб қилинади. Эҳтиёт чораси сифатида қамоқ эҳтиёт чораси кўшлаб қўлланилади.

Ҳиндистон ҳам дунёдаги энг катта ва қудратли армияга эга бўлган давлатлардан биридир. Шунга яраша ушбу армия ҳарбий хизматчилари ўртасида қонунга зид хатти-ҳаракатлар кўшлаб содир этилади. Ҳиндистоннинг “Хуқуқбузарлик ва жинойт-процессуал кодекси”<sup>67</sup>да ҳарбий хизматчилар томонидан содир этиладиган жинойтларни юритишнинг процессуал тартиби белгиланган. Унга кўра бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро қонунга зид ҳаракатлар содир этилса уларга алоҳида қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилади ва алоҳида сақланади. Ҳиндистон

<sup>67</sup> Синьдианский кодекс о правонарушениях и уголовно-процессуальный кодекс. Электрон нашр. Кириш йўли: <https://track.unodc.org/uploads/documents/BRI-legal-resources>

жиноят-процессуал қонунчилигининг ўзига хос хусусиятларидан бири айрим тоифали жиноят ишларида жабрланувчи ва айбланувчига нисбатан ишни юритиш алоҳида олиб борилади, яъни бир полиция терговчиси томонидан эмас балки ҳар бир жиноят иштирокчиларини тергов қилиш учун алоҳида терговчилар жалб қилинади. Полиция терговчиларига махсус билимлар талаб қилинмасда тергов ҳаракатлари ва суд чиқимларини ҳар икки томондан ҳам ундирилади. Ҳиндистонда жиноят турига қараб жиноят ишини юритишнинг процессуал муддатлари белгиланади ҳамда энг кўп муддат яъни бир йилдан беш йилгача иш юритиш ҳарбий хизматчиларга нисбатан юритилади.

Саудия Арабистони, БАА ва Яманда охириги вақтда ҳарбий жиноятлар сони кескин ошган. Биргина Ямандаги ҳарбий тартибсизликлар ортидан 112 минг киши ҳалок бўлган<sup>68</sup>. Ушбу давлатларда жиноятлар учун жавобгарлик диний нормалар асосида тартибга солинади. Ҳарбий хизматчиларнинг шаъни ва кадр-қиммати давлат даражада химоя қилинади. Тергов ҳаракатларни ҳам алоҳида терговчилар томонидан амалга оширилади. Ушбу давлатлар жиноят қонунчилигига кўра агарда ҳарбий хизматчи ҳарбий хизматни ўташ вақтидаги қонунга зид ҳаракатлари туфайли шеригининг ўлимига сабаб бўлувчи қилмиш содир этса ўлим жазосига ҳукм қилинади. Ҳарбий жиноятларни тергов қилувчи терговчилар ҳам амалдаги қонун ҳам диний нормалар асосида иш олиб боришади. Ишда жабрланувчининг талабига кўра химоячи сифатида диний ишлар бўйича адвокатлар билан бир қаторда фуқаролик ишлари бўйича адвокатлар ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга. Эҳтиёт чораси сифатида ҳарбий жамоа назорати кўплаб қўлланилади.

Ироқ ва Сурияда эса нотинчликлар авж олганлигига қарамадан ҳарбий жиноятлар сони ҳам ошиб бормоқда. Ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муҳит ҳам яхши эмас. Статистик маълумотларга қараганда Сурия ва Ироқда бир кунда 20 дан ошиқ ҳарбий хизматчи бир-бирини отиб ўлдиради. Ушбу ҳаракатларни содир этганларни жавобгарик масаласи ҳам қонун ҳужжатларида белгилаб ўтилмаган. Олимларнинг фикрича ушбу давлатларни зайифлаштирувчи асосий сабаблардан бир ҳам айнан ҳарбийларнинг бир-бирларига нисбатан шавқатсиз муносабатларидир. Ҳарбий жиноятлар юзасидан терговни амалга оширувчи органнинг мавжуд эмаслиги

<sup>68</sup> Зиддиятли вазиятларда журналистика. Электрон ўқув қўлланма. Мурожаат қилинган сана: 21.09.2023. Кириш йўли: [https://nargis.uz/wp-content/uploads/2019/10/09.04.2019\\_1ziddiyatli\\_vaziyatlarda\\_jurnlistika.pdf](https://nargis.uz/wp-content/uploads/2019/10/09.04.2019_1ziddiyatli_vaziyatlarda_jurnlistika.pdf)

қилмишнинг жиноят сифатида белгиланмаганлиги билан изоҳланади. Ушбу давлатларда жиноятлар турларга ажлатилмасдан ҳар қандай алоҳида тоифали жиноятлар ҳам бир хил орган ва бир хил тартибда амалга оширилади. Бошқа шахсларга қўлланиладиган процессуал мажбурият чоралари ва эҳтиёт чоралари ҳарбий хизматчиларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Урушлар кескин давом этаётган яна бир давлат Украинадир. Украинада 2022 йилнинг 6 ойи давомида 21 мингдан зиёд “уруш жиноятлари” содир этилган<sup>69</sup>. Ҳарбийларнинг бир-бирларига қонунга зид муносабатларининг бугунги ҳолати тинчлик даврига нисбатан 150 баробарга ошган. Украина мудофаа вазирлигининг маълумотларига кўра ҳарбий хизматчиларнинг қонунга зид хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик уруш вақтида яъни фақулотта ҳолатда содир этилса, қонунда белгиланганидан ҳам оғирроқ жазо белгиланишини таъкидлаган. “Украина ҳарбий хизматчиларининг жиноий жавобгарлиги тўғрисидаги” қонуни ҳамда Украина жиноят кодексининг

406-моддасига кўра<sup>70</sup> 20 дан ортиқ қонунга зид ҳаракатлар ҳарбий хизматчиларнинг бир-бирларига нисбатан қўпол ҳаракати сифатида баҳоланиб, ҳарбий прокурорлар томонидан тергов ҳаракатлари олиб борилган. Норасмий маълумотларга қараганда ҳозирги даврда ҳарбий хизматчиларга жиноят содир этганликлари учун эҳтиёт чораларини қўллаш имконсиз бўлганлиги учун ҳарбий жиноят содир этиш кўрсаткичлари ошиб бормоқда ҳамда жиноятчиларни “уруш ўчоқларига” сургун қилишмоқда.

Белгия ва Молдова<sup>71</sup> давлатларида ҳам ушбу жиноят учун жавобгарлик чоралари мавжуд бўлиб, процессуал жиҳатдан тартибга солинган. Жиноят ишларини юритиш ҳарбий полиция ва ҳарбий прокуратура органлари орқали амалга оширилади. Ушбу давлатларда жиноят содир қилган ҳарбий хизматчи (айбланувчи) эҳтиёт чорасини ўзи танлаш ҳуқуқи мавжуд бўлиб, бир хил таъсирга эга эҳтиёт чораларини ўзлари танлашади. Ҳарбий полиция ва ҳарбий прокуратура органлари жиноят содир этган ҳарбий хизматчига

<sup>69</sup> Зиддиятли вазиятларда журналистика. Электрон ўқув қўлланма. Мурожаат қилинган сана: 21.09.2023. Кириш йўли: [https://nargis.uz/wp-content/uploads/2019/10/09.04.2019\\_1ziddiyatli\\_vaziyatlarda\\_jurnlistika.pdf](https://nargis.uz/wp-content/uploads/2019/10/09.04.2019_1ziddiyatli_vaziyatlarda_jurnlistika.pdf)

<sup>70</sup> Кримінальний кодекс республіки україни Відомості Верховної Ради України (ВВР), 2001, № 25-26. акон втратив чинність на підставі Кодексу, N 2341-III (2341-14) від 05.04.2001, ВВР, 2001, N 25-26, ст.131 - набирає чинності з 01.09.2001

<sup>71</sup> Държавите Белгия и Молдова също предвиждат мерки за отговорност за това престъпление, които се регулират от процесуалното законодателство. Наказателното преследване се извършва от органите на военната полиция и военната прокуратура.

танланган эҳтиёт чорасида белгилангандан ҳам бошқа чекловларни (курол бириктириш, нарядга жалб қилиш, ҳарбий ҳаракатларда қатнашиши) киритиши мумкин.

### ХУЛОСА

Хорижий мамлакатларнинг тажрибаларини миллий ҳарбий-жиноят қонунчилигимизга қўллаш орқали биз анча мукамал жиноят-процессуал қонунчилигимизни яратишимиз мумкин. Ривожланган давлатларнинг қонунчилигини ўрганиш қонунчилигимизни ишлаб чиқишда йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни бартараф этиш, ҳуқуқий қозониш ҳолатларга эса ҳуқуқий тўғри баҳо беришимизга шароит яратади.

Юқорида келтирилган илғор хорижий тажрибалардан келиб чиқиб, ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланиладиган эҳтиёт чоралари турларини кўпайтириш, қўмондонлик қузатуви ўрнатилган ҳарбий хизматчиларни алоҳида назоратга олиш ва уларга белгиланаётган чекловларни қайта кўриб чиқиш лозим. Ундан ташқари мамлакатимизда ҳарбий адвокатлар институтини киритиш лозим. Ривожланган мамлакатлар тажрибалари ҳарбий адвокатлар иштирокини ижобий натижа бераётганлигини кўрсатмоқда. Ҳарбий хизматчилар томонидан содир этилаётган жиноятлар юзасидан иш юритув тартибини хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда алоҳида шакллари ишлаб чиқиш олдимизда турган асосий вазифа ҳисобланади. Эҳтиёт чоралари чекловларини ҳарбий хизматчининг ўзи танлаши эса инсон ҳуқуқларини таъминлаш воситасидир.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1.Н.Салаев. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш жиноятининг объектив белгиларини аниқлашдаги баъзи муаммолар ва уларнинг ечими. Inlibrary Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили 2010 йил -Б 44-46.

2. А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 641-642

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексига шарҳ. Рустамбоев. Тошкент. Адолат 2016. -[электрон манбаа]. Мурожат этилган сана: 08.11.2022. Кириш йўли: [https://drive.google.com/file/d/1ctKcLoMP8UaC5BgGscM\\_SAi0i8fjYlh/view](https://drive.google.com/file/d/1ctKcLoMP8UaC5BgGscM_SAi0i8fjYlh/view)

4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. Т.5. / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008.

5. 1984 йил 10-декабрдаги “Қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадрқимматни камситувчи турларига қарши” Конвенция. // Саидов А.Х. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ: Дарслик. – Тошкент: Konsauditinform-Nashr, 2006. –Б. 318-335.

6. Зиддиятли вазиятларда журналистика. Электрон ўқув қўлланма. Мурожаат қилинган сана: 21.09.2023. Кириш йўли: [https://nargis.uz/wp-content/uploads/2019/10/09.04.2019\\_1ziddiyatli\\_vaziyatlarda\\_jurnlistika.pdf](https://nargis.uz/wp-content/uploads/2019/10/09.04.2019_1ziddiyatli_vaziyatlarda_jurnlistika.pdf)

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида” ги 2000 йил 15 сентябрдаги 23-сонли қарори.

8. Мирзаев Т.Қ. Қобулов Р. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Talqin, 2005. – Б. 24.

9. Салаев Н.С. Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид устав қоидаларини бузиш (жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари). Юрид. фан. номз. илм. дар. олиш учун ёзил. дисс... – Тошкент: ТДЮИ, 2012. – Б. 71.

10. Ш.М.Қурбанов, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ҳарбий хизматчиларнинг ўзаро муносабатларига оид устав қоидаларини бузишнинг жиноят-ҳуқуқий табиати. Ўзбекистон Қонунчилиги таҳлили. Тошкент-2018 йил, №2.